

Ўзбекистон Республикасида чакана ва улгуржи савдо товар айланмаси

2025 йил январь-февраль дастлабки маълумот

- I. ЧАКАНА САВДО ТОВАР АЙЛАНМАСИ
- II. УЛГУРЖИ САВДО ТОВАР АЙЛАНМАСИ
- III. УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ САВДО АЙЛАНМАСИ
- IV. МЕТАМАЪЛУМОТЛАР
- V. АЛОҚАДОР БОШҚА ҲАВОЛАЛАР

I. ЧАКАНА САВДО ТОВАР АЙЛАНМАСИ

2025 йил 1 март ҳолатига чакана савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналари сони 82 504 тани ташкил этиб, шундан, фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони 370 тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони 82 134 тани ташкил қилди.

2025 йилнинг январь-февраль ойида республиканинг чакана савдо товар айланмаси 57 100,1 млрд сўмни ташкил этиб, 2024 йилнинг январь-февраль ойига нисбатан 110,2 % га етди.


Жумладан, йирик корхоналарнинг товар айланмаси 9 688,4 млрд сўмни (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 109,7%), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 41 526,5 млрд сўм (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 109,5%), шундан уюлмаган савдо товар айланмаси 5 885,2 млрд сўмни (ўсиш суръати 116,0%) ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида чакана савдо товар айланмаси ўсиш суръати (%да)



Мавзуга доир ҳавола: [Чакана савдо товар айланмаси ҳажми \(ойлик\)](#)

Чакана савдо айланмаси асосий кўрсаткичлари динамикаси (улуши фоизда)




II. УЛГУРЖИ САВДО ТОВАР АЙЛАНМАСИ

2025 йил 1 март ҳолатига улгуржи савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналари сони 46 477 тани ташкил этиб, шундан, фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони 393 тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони 46 084 тани ташкил қилди.

Республика бўйича 2025 йилнинг январь-февраль ойида улгуржи савдо товар айланмаси 63 177,6 млрд сўмни ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 12,3 % га ўсди.

Кичик бизнес субъектларининг улгуржи савдо айланмасидаги умумий ҳажми 46 819,8 млрд сўмни ташкил қилиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 108,2 % га тўғри келди. Республикада жами улгуржи савдо ҳажмидаги улуши 74,1 % ни ташкил қилди.

Улгуржи савдо ҳажми динамикаси (млрд сўм)



Мавзуга доир ҳавола: [Улгуржи савдо ҳажми \(ойлик\)](#)

Улгуржи савдо товар айланмасида йирик корхоналарнинг энг юқори ўсиш суръатига эга ҳудудлар Сирдарё (6,7 м.), Жиззах (2,9 м.), Навоий (195,1 %), Тошкент (190,6 %) ва Бухоро (174,7 %) вилоятларида кузатилди.

Ҳудудлар кесимида улгуржи савдо ҳажми ўсиш суръатлари (фоизда)




Мавзуга доир ҳавола: [Улгуржи савдо ҳажми ўсиш суръати \(ойлик\)](#)

III. УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ САВДО ҲАЖМИ

2025 йил 1 март ҳолатига умумий овқатланиш соҳасида фаолият юритаётган тижорат корхоналари сони 23 990 тани ташкил этиб, шундан, фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони 90 тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони 23 900 тани ташкил қилди.

2025 йилнинг январь-февраль ойида овқатланиш корхоналарининг савдо айланмаси 26 546,3 млрд сўмга етди. 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 111,6 % га ошди. Бунда савдо айланмасининг 83,5 % улуши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди.

Умумий овқатланиш корхоналари савдо ҳажми ўсиш суръатлари (фоизда)





IV. МЕТАМАЪЛУМОТЛАР

Улгуржи ва чакана савдо товар айланмаси статистика кўрсаткичларини шакллантиришда, Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек, халқаро кўрсатмалар ва тавсиялар “Миллий ҳисоблар тизими –2008”, “Чакана ва улгуржи савдо статистикаси бўйича халқаро тавсиялар” (БМТ, 2008), Чакана товар айланмасининг статистик кузатуви ва унинг миқдорий кўрсаткичини ҳисоблаш бўйича услубий тавсиялар ҳисобга олинган (МДХ қўмитаси, 2011) ҳолда ишлатилади.

Улгуржи ва чакана савдо товар айланмаси статистика кўрсаткичларини шакллантиришда норасмий ва яширин иқтисодиётни статистик баҳолаш бўйича ўтказилган кузатувлар натижаларини қўшган ҳолда ҳисобланган.

V. АЛОҚАДОР БОШҚА ҲАВОЛАЛАР

[Улгуржи савдо ҳажми \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Улгуржи савдо айланмасининг ўсиш суръати \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Чакана савдо айланмаси ҳажми \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Чакана савдо айланмасининг ўсиш суръати \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Аҳоли жон бошига чакана савдо ҳажми \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Аҳоли жон бошига чакана савдо ҳажми ўсиш суръати \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Овқатланиш корхоналари савдо ҳажми \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

[Овқатланиш корхоналари савдо ҳажми ўсиш суръати \(ҳудудлар кесимида, ойлик\)](#)

Чоп этишга масул: Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бошқармаси	Бошқарма бошлиғи: Б.Иргашев Тел: +998712308000 (1180)	Ижрочи: О. Сидиков Тел: +998712308000 (1181) е-почта: trade@stat.uz	Манзил: 100170, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
--	--	---	--